O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 19 IYUN ◆ SESHANBA ◆ № 70 (26.772)

Президент Ислом Каримов 14-15 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммитида иштирок этди.

ҲАМКОРЛИК ОРҚАЛИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

Шанхай учрашуви саммитларнинг одатий хусусият ва табиатига хос бўлмаган йўсинда бошланди. Оммавий ахборот воситаларида у дастлаб «Шанхай бешлиги», «Шанхай форуми» ва «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»нинг саммити каби турлича номлар билан ёритилди. «Бешлик» номини «Шанхай форуми» деб ўзгартириш, унинг негизида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»ни тузиш ҳақидаги гаплар, қолаверса, саммит дастури битилган мўъжаз китобчаю тайёрланган бошқа кўпгина қўлланма ва ахборотномаларда ҳали расман тузилиб улгурмаган ташкилотнинг номи бош саҳифаларга чиқарилгани қалам аҳлини бирмунча шошириб қўйди. Олти мамлакат раҳбари қатнашган учрашувни «бешлик саммити» деб бўлмас, айни пайтда мўлжалда турган, лекин ҳали қабул қилинмаган ном билан аташ ҳам ноўрин эди. Бироқ, учрашув арафасида ва саммит давомида ким қандай атамани ишлатган бўлмасин, расмий тадбирлар ниҳоясига етганда журналистлар қиёфасида елкадан тоғ ағдарилгандек кайфият зоҳир бўлди. Негаки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман асос солинди.

Бунинг бош ташаббускори эса Ўзбекистон эди.

Тарихга назар солайлик. 1996 йил тузилган «Шанхай бешлиги»нинг асосий вазифаси беш аъзо мамлакат (Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) ўртасида ўзаро чегарадош ҳудудларда ҳарбийлар сонини камайтириш, бунинг учун ўзаро ишонч ва суверенитет ҳурматини мустаҳкамлашдан иборат эди. Бу ният тез орада рўёбга чиқди. Энди иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамкорлик масалалари устуворлик касб эта бошлади. Чегарадош ҳудудлардан кўнгил тўқлиги, ўзаро ишонч ва ҳурмат мустаҳкамланганидан тўғри фойдаланмоқ керак эди. Шу боис 2000 йилнинг ёзида Душанбе саммитида ташкилотни «Шанхай форуми» деб аташ унинг имкониятларини кенгайтиришга йўл очиши таъкидланди. Ўша йиғилишда кузатувчи мақомида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашгани бежиз эмас. Евроосиёда улкан хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасини вужудга келтиришга қаратилган мазкур уюшмага аъзо бўлишдан Ўзбекистон ҳам манфаатдор эди. Айниқса, бу улкан ҳудудда сиёсий ва иқтисодий қудрати, фан-техника ва юқори технология соҳасидаги ютуқлари, қолаверса, ҳарбий салохияти билан ажралиб турувчи Россия ва Хитой жойлашганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, Ўзбекистон нисбатан илгарироқ ҳам бу тузилмага қўшилиши мумкин эди. Лекин мамлакатимизни бу борада қарор қабул қилишга шошилмасликка ундаган сабаблар бор. Маълумки, Ўзбекистон Президенти доим мамлакатимизнинг бирор ҳарбий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилотга қўшилмаслигини айтиб келади. Чунки, бу билан, ҳарбий иттифоқчи топиш эвазига бизга умуман ғарази бўлмаган давлатлар орасидан душман ҳам орттиришимиз қийин эмас. Шанхай ташкилоти борасидаги дастлабки андиша ҳам шундан келиб чиққан.

Ўзбекистон қўшилиши аъзо давлатлар томонидан тўла қўллаб-қувватлангач, мамлакатимиз янгидан тузилажак ташкилотнинг мақоми ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш борасида ўз таклифларини билдирди. У ҳарбий ё ҳарбий-сиёсий ташкилот бўлмаслиги керак. Аксинча, ташкилотнинг мақсади кенг кўламли ҳамкорликдан иборат бўлмоғи лозим. Шу боис янги тузилма «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» деб аталиб, декларациясида унинг ҳеч бир мамлакат ё ташкилотга қарши қўйилмагани, ҳатто қўшилишни истаган давлатлар учун очиқлиги алоҳида қайд этилишида ва Шанхай саммитида қабул қилинган барча ҳужжатлар нусхаси БМТга юборилишида Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларация ҳамда Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция БМТнинг расмий ҳужжатлари сифатида бутун дунё давлатларига тарқатилади. Айтиш жоизки, ҳозирданоқ Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Мўғулистон Шанхай ташкилотига кириш истагини билдирди. Тузилмага қизиқишнинг катталиги унинг аҳамияти юксак эканлигидан ва самарадорлигидан далолат беради.

Шанхай саммити чоғида Ўзбекистоннинг янги ташкилотга қўшилиши катта воқеа бўлди. Марказий Осиёдаги барча давлатлар, шунингдек, минтақамиз хавфсизлигига таҳдиднинг асосий манбаи ҳисобланган Афғонистон билан бевосита чегарадош, айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан Марказий Осиёдаги хавфсизлик таянчи, деб эътироф этилган, нуфузи минтақа аҳолисининг ярмини ташкил этадиган Ўзбекистоннинг ШҲТга қўшилиши ташкилот учун катта ҳаётий эҳтиёжга айланган эди. Хитойда мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган алоҳида эътибор ва иззат-икром ҳам шундан далолат бериб турди.

Энди бевосита мамлакатимизнинг ШҲТга аъзоликдан кўзлаган мақсадига тўхталсак. Президентимиз таъкидлаганидек, бунда, аввало, Ватанимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш масаласи туради. Ислом Каримов бу мавзуда бот-бот гапирилган эса-да, унга мурожаат қилишдан чарчамаслигини, чунки хавфсизликни таъминламай туриб, тараққиётга эришиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлади. Хавфсизлик масаласи минтақамиз учун долзарблигича қолмоқда. ШҲТ сафида эса ҳарбий салоҳияти ғоят катта бўлган Россия ва Хитой бор. Улар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Дунё миқёсидаги йирик масалаларни шу икки давлат аралашувисиз ечиш қийин. Шунингдек, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг дарди ҳам бир хил. Уларнинг ҳаммасида хавфсизликка таҳдид соладиган муаммолар кўндаланг турибди. Олти мамлакатнинг давлат раҳбарлари бир жойга йиғилиб, янги ташкилот тузиш тўғрисидаги ҳужжат билан бирга, террор, экстремизм, айирмачилик ва шу каби бошқа иллатларга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга имзо чекканининг бош сабаби ҳам мазкур муаммоларга муносабат бир хиллиги, мақсадлар муштараклигидадир.

Ўзбекистоннинг ШҲТга қўшилишдан кўзлаган иккинчи асосий мақсади кенг кўламли ҳамкорликдир. Масалан, Хитой ялпи ички маҳсулот ўсиши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Неча йиллардирки, мамлакатнинг бу борадаги кўрсаткичи 8-10 фоиздан пастлагани йўқ. Биргина Шанхайга оид рақамларнинг ўзиёқ мазкур мамлакат ҳақида етарли тасаввур беради: ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 455 миллиард юанни (1 АҚШ доллари тахминан 8 юанга тенг), экспорт-импорт 54 миллиард АҚШ долларини, жалб қилинган хорижий сармоя эса 6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 13 миллион киши яшайдиган шаҳар учун бу ғоят каттадир.

Шанхай саммити шуниси билан муҳим бўлдики, унда зикр этилган икки масала — хавфсизлик ва ҳамкорлик янги ташкилот фаолиятининг асосий тамойилига айланганини борасида якдил хулосага келинди. Бу «ҳамкорлик орқали хавфсизлик» деган жумлада акс этади. Террорчилар хуружи ё бошқа шунга ўхшаш таҳдид юз берса, ўзаро ёрдам ва маслаҳатлар учун ҳуқуқий асос борлиги ҳам шу тамойилга мосдир. Хуллас, ҳамкорлик қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, алал-оқибат миллий ё минтақавий, шу билан бирга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизлик мустаҳкамланишига олиб келади.

Ислом Каримов Шанхай саммитини тарихий воқеа, деб атади. Бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам шу мазмунда фикр билдирди. Бунинг боиси, Шанхайда инсониятнинг тўртдан бир қисми яшайдиган улкан ҳудудда хавфсизлик ва ҳамкорлик зонаси яратишга қаратилган ташкилотга асос солинди. Чегарага оид масалаларга ечим топиш мақсадида таъсис этилган тузилманинг беш йилда шундай катта салоҳиятли бирлашмага айлангани Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг истиқболи порлоқ эканлигидан далолат беради.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири

Тошкент — Шанхай — Тошкент.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни ғаллачиликда эришган катта меҳнат ғалабангиз — давлатга 224 минг 500 тонна ғалла ва 5 ярим минг тоннадан зиёд уруғлик дон сотиб, шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизлар бу йилги мураккаб иқлим шароитида вилоят бўйича ҳар гектар майдондан 33, 5 центнердан ҳосил олиб, ўз ишингизнинг чинакам устаси, Сурхондарё деҳқончилик мактабининг лафзи ҳалол, миришкор вакиллари эканингизни яна бир бор намоён этдингиз.

Қалбида ўз Ватани ва халқига муҳаббат туйғуси жўш урган, бунёдкорликни ҳаёт мазмуни деб билган фидойи инсонларгина шундай улуғвор ишларга қодир бўлади.

Сурхон воҳаси ғаллакорларининг давлатга яна 15 минг тонна сара дон етказиб беришга азму қарор қилгани барчамизни қувонтиради.

Ишончим комилки, сиз, азиз сурхондарёликлар мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришиб, Ватанимиз равнақи, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшасизлар.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида янгидан-янги зафарлар, сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман. Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН — ДЎСТИ КЎП ДИЁР



Ўлжас СУЛАЙМОНОВ, шоир, Қозоғистон Республикасининг Италиядаги элчиси:

«МЕН ЎЗБЕКЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

Италия қаерда-ю, биров қаерда? Тўғри, дунёнинг ҳамма йўллари Римга олиб боради, деган гап бор. Бироқ ишхонада ўтириб, Италияни девор орқасидагидай, деразам ойнаси ортида тургандай ҳис қилиш бундан бир ҳафта олдин хаёлимга ҳам келмаганди. Бироқ ўзинг яхши кўрган, ўзинг ҳавас қилган, умрини шону шавкат буркаб, тақдирнинг не-не тўфонларига дош берган, алал-оқибат инсоният кўз ўнгида тоғдай юксалиб, халқи қаҳрамонига айланган шахсни излаб у билан суҳбат қуриш алангаси қалбингда ёниб тургач, барибир чорасини излаб топарkансан.

Бир ҳафта уриндим. Қозоғистоннинг Италиядаги элчихонаси ходимлари билан анча яқинлашиб қолдим. Улуғ шоир, қозоқ халқининг фахри Ўлжас Сулаймонов ҳали Милан шаҳрида, ҳали Италия Ташқи ишлар вазирлигида, ҳали аллақандай катта анжуманда, хуллас, вақти зиқ бўлса-да, у билан савол-жавоб қилиш аҳдидан қайтмадим.

Охирги кун телефон қилганимда, унинг ёрдамчиси Ўлжас Сулаймонов ҳозир хонасида эканлигини, саволларимга жавоб беражагини, умуман олганда, уни излаётганимдан хабардорлигини айтди. Очиғи, бир ҳаваскор ижодкор билан дунёнинг бир четида туриб ўз халқи, миллати, Ватани тараққиёти учун жаҳон давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилишида муносиб ҳиссаси бор буюк шоир ва файласуфнинг суҳбат учун вақт ажратиши ёркин ҳодиса эди.

Энг муҳими, Ўзбекистондан қўнғироқ қилиб, Бош муҳарриринининг топшириғига асосан газетада суҳбатлашишга чоғланган ижодкорнинг раъйини қайтармасликни Ўлжас оғанинг ўзбек халқига, юртимизга, мамлакатимиз матбуотига нисбатан ҳурмати, муҳаббати деб қарамоқ керак.

— Ўлжас оға, халқларимизнинг қадимий биродарлиги, бирдамлиги бобида қанча суҳбатлашсак оз...

— Газетангизга бераётган қисқача жавобимда халқларимиз орасидаги қон-қардошлик муносабатларининг кичик бир бўлаги ҳақида гапириб адоғига етиб бўлмайди. Мен фақат қозоқ халқи ишонч билан намоён этадиган бир туйғу — ўзимнинг юрагимдан отилаётган ҳис-туйғуни баён қилсам: мен ўзбекларни яхши кўраман. Болаликдан сизнинг юртингизга ҳавасим бекиёс. Сизнинг урф-одатларингиз, маданиятингиз ҳайратимни тоширади.

— Халқимизнинг қайси хислати ўзига хос?

— Меҳмондўстлик. Меҳнатсеварлик. Ўзига бўлган ишончи...

— Адабий ҳамкорлик, бу борада ўзаро борди-келдилар бугун, айниқса, қардош халқлар орасида жонланиши зарурат. Шундай эмасми?

— Ҳа. Шундай. Мен жуда кўп ўзбек шоир ва ёзувчилари билан яқин дўстман. Афсуски, кейинги йилларда улар билан кам учрашдим, кам суҳбатда бўлдим. Масалан, Абдулла Ориповни Парижда, Эркин Воҳидовни Бокуда кўрсам ҳам бошим осмонга етарди. Бошқа биродарларим билан ҳам Тошкент ёки Алматида учрашишимга ишонаман. Бизнинг ёзувчиларимиз уюшмаларининг ҳам ижодий учрашувлари, ҳамкорлигини тикламоғимиз керак. Нафақат ёзувчиларнинг, балки актёр, рассомлар, киночиларнинг ҳам...

— Бугунги Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурдасиз?

— Мен Ўзбекистоннинг бугунги ютуқларидан қувонаман. Мабодо баъзи бир қийинчиликларни сезгудай бўлсам, хафа бўламан. Ҳаммамиз учун ҳам ҳозирги давр осон эмас. Шунинг учун ҳам замона зайли ўларoқ, ўзаро ҳамжиҳат, бир-биримизга суянч бўлишимиз керак. Жуда хурсандман, собиқ иттифоқнинг парчаланишидан сўнг Ўзбекистон иқтисодиёти оёққа туриб олди. Ишлаб чиқариш имконияти кенгайди. XXI асрга янада тараққий этган ҳолда қадам қўйди, дадил одимлаяпти.

— Худо хоҳласа, бу йил озодлигимиз, миллий истиқлолимизга ўн йил тўлади. Ана шундай чоғда қардош халқлар, эрксевар ва тинчликсевар элларнинг бизга елкадош эканлиги, қолаверса, сиз каби кишиларнинг хайрихоҳлиги кўнглимизни кўтаради.

— Мустақилликнинг 10 йиллиги МДҲга аъзо давлатлар учун 10 йиллик жиддий синов бўлди. Истиқлол — тарихий имконият, улуғ имконият. Лекин бу имкониятни ҳамма ҳам тўғри англаш, ундан фойдаланиш қурбида эмас. Фақат донишманд халқларгина доно раҳбарлари бошловида XXI асрга, учинчи минг йилликка жипслик билан, ўз ҳудуди ва ахлоқий гўзалликларини йўқотмай юз бурадилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ана шундай шарафга лойиқ. Мустақиллик чинакам қон-қардош, қўни-қўшни халқларни ажратмайди, аксинча, бир-бирига яқинлаштиради. Қардош халқлар бир-бири билан қанчалар қалбан риштаБанд бўлсалар, уларнинг Истиқлоли шунчалар мустаҳкамланади. Мен озодликнинг ёркин байрами арафасида улуғ ўзбек халқига тинчлик, улкан ва бахтли тараққиёт тилайман.

■ **Суҳбатдош:**
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН

❖❖❖

Айтишларича, Сурхондарё воҳасида бу йилгидай мўл ғалла етиштирилмаган. Андижонда ёки бошқа вилоятларда гектарига 50-60 ҳатто 70 центнердан дон ҳосил олинганлигини эшитган бу ерлик деҳқонлар ушбу хабарнинг ростлигига очиғи ишонқирамай қарашди. Аммо ишга чинакам шаҳд билан ёндашилса, бошқалардан кам бўлмаслик мумкин экан. Аввало, воҳа иқлимига мос «Крошка», «Уманка», «Половчанка» сингари ғалла навлари танлаб экилди. Уруғ экиш олдидан минерал ва маҳаллий ўғитлар берилди. Тўлиқ олинган кўчатлар 2 марта азотли ўғитлар билан озиқлантирилиб, 4 марта қондириб суғорилди. Ғаллазорлар бегона ўтлардан тозаланди. Ғалла касалликларига қарши кимёвий тадбирлар ўз вақтида ўтказиб борилди. Натижада 92 минг гектар майдонда мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Ўрим-йиғим эса май охирларидаёқ бошлаб юборилди.

Шай қилиб қўйилган 474 та комбайн самарали ишлатилди. Бу машиналарнинг 134 таси «Кейс»лардир. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан ёрдамга юборилган 25 та «Класс» русумли комбайнлардан ҳам унумли фойдаланилди.

Ўрим-йиғимда қатнашаётган кишилар учун далада барча шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидлаш жоиз. Хуллас, меҳр билан ишласа юқори ҳосил етиштириш мумкинлигини вилоят ғаллакорлари исботлади.

Вилоятнинг Жарқўрғон тумани ғаллакорлари июннинг бошларидаёқ мамлакатимизда биринчи бўлиб дон етиштириш давлат буюртмасини бажариб, Президентимизнинг табрик ва қутловларига сазовор бўлди. Анча йиллардан буён қолоқлик ботқоғига ботиб қолган Қизириқ тумани ҳам етакчи ўринларни забт этиб, давлатга режадан ташқари қарийб 2,5 минг тонна ғалла топширдилар. Сариосиёликлар ҳар гектар ердан 46 центнердан, деновликлар 41 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Бу йил вилоятда 9303 та оилавий пудратчи, 1481 фермер ғалла етиштириш билан машғул бўлди.

Маррага етган жануб воҳа ғаллазорларида ўрим-йиғим ҳамон уюшқоқлик ва юқори унум билан давом этмоқда. Сурхондарёлик ғаллакорлар яна 15000 тонна қўшимча дон топшириш аҳди билан меҳнат қилмоқдалар.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Самарқанд тумани ғаллакорлари ҳам вилоятда биринчилар қатори ғалаба маррасига етдилар. Давлатга 9 минг тонна ўрнига 9 минг 54 тонна сара дон топшириб, режа уддаланди. Хирмонга «Барака», «Дўстлик», «Гулистон», Ш. Рашидов, Ф. Қосимов номли жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ўрим-йиғим давом этмоқда.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	194,85	10 Люксембург франки	79,16
1 Австрия шиллинги	23,21	1 Малайзия ринггити	97,39
1 Англия фунт стерлинги	519,66	1 Германия маркаси	163,27
10 Бельгия франки	79,16	1 Польша злотийси	93,94
1 Голландия гульдени	144,90	1 СДР	465,49
10 Греция драхмаси	9,38	1000 Туркия лираси	0,31
1 Дания кронаси	42,86	1 Финляндия маркаси	53,71
1 БАА дирҳами	100,75	1 Франция франки	48,68
1 АҚШ доллари	370,02	1 Швейцария франки	208,54
1 Миср фунти	95,86	1 ЕВРО	319,33
10 Испания песети	19,19	10 Жанубий Корея вони	2,86
100 Италия лираси	16,49	10 Япония иенаси	30,13
1 Канада доллари	242,64	1 Россия рубли	12,73
1 Хитой юани	44,70	1 Украина гривнаси	68,43

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

❖❖❖

— Зафар қачон келади деҳқонга? Ери рози, техникаси бут, суви мўл бўлса ва уюшқоқлик билан ишланса. Китоб туманида худди шундай бўлди. Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган Юртбошимиз ҳам адолатни поймол этмаслик, ишлаган яхши даромад қилиши лозимлигини алоҳида уқтирдилар, — дейди туман ҳокими Сайфулло Азизов. — Очиғи, ўтган йили кузда ғалла экилаётган пайтда ижарачилар билан келишиб олгандик. Мана натижаси. Ҳозиргача шартномадаги 14800 тонна донни ошиғи билан етказиб бердик. Яна 2 минг тонна донни шартнома баҳоси билан сотамиз. Ғаллакорлар ҳам ўз ҳақларини олишади.

Ҳоким ҳақ. Чунки ҳосил мўл. Тўғри, ёмғир бўлмаганлиги туфайли 2 минг гектар лалмикор деҳқончилик мўлжалдаги ҳосилни бермади. Аммо шартли суғориладиган 1640 гектар ерда ҳосилдорлик 30, асосий 3470 гектар майдонда 40-42 центнерга етди. Бу — туман тарихидаги энг юқори натижа. Р. Шайманов номли ширкат ғаллакорлари энг кўп — 2750 тонна дон сотишди. Жами 500 тонна уруғлик дон етиштирилди. Охунбобоев номли ширкатда 100 гектар ерда ҳосилдорлик 51 центнерни ташкил этган бўлса, ижарачилар — Навоий номли ширкатдан Б. Шодиев 87, Ж. Турдиев номли ширкатдан Б. Шоназаров 86, Р. Шайманов номли ширкатдан Э. Ҳайдаров 84 центнерга етказишди.

— Мен 5,4 гектар ерни ижарага олиб, «Дельта» навли уруғлик буғдой етиштирдим, — дейди К. Рустамова номли ширкат деҳқони Ф. Жалилов. — Ерни соз ҳайдаб, уруғни вақтида экдик. Уруғ етарли бўлди. Жами 8 марта суғорган бўлсак, шунинг 4 мартасини «шарбат» билан оқиздик. Натижасини кўриб турибсиз. Ҳар гектар ердан 95 центнердан ҳосил олдик. Шартномада эса 45 центнердан кўрсатилган. Энди ҳисобланг-чи, оиламизга қанча дон тегади?

Гектаридан 95 центнердан дон... Айтишга осон. Шунинг учун ҳам Президентимиз воҳанинг улкан имкониятлари ҳақида гапирганларида, Китоб туманини алоҳида тилга олганлари бежиз эмас. Мева, сабзавот, узум етиштиришда ҳамиша пешқадам китобликлар ғаллачиликда ҳам ҳеч кимдан қолишмасликларини исбот қилишмоқда. Юртбошимиз айтган маррага бугун ўнлаб, эртага юзлаб ғаллакорлар етишади.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

1. ЎТМИШ

I

Инсон нафақат бугунги кун билан яшайди, балки эртанги куннинг орзу-ҳаваси унинг хаёлини банд этади, келажакка чорлайди.

Агар одамзот ўтган кунлар ёдини унутмаса, гоҳи-гоҳида ўз кечмишини ҳам эслаб турса, ҳеч шубҳасиз, унинг елкасидан босиб турган турмуш ташвишлари бирмунча енгиллашади, ҳаёт, бугунги кун кўзига бошқача бўлиб кўрина бошлайди.

— Катта очарчилик йиллари тўрт минг кишилик қишлоқда тўрт юзта ҳам одам қолмади. Бир тўғрам нонга зор бўлиб, бутун бир оилалар қирилиб кетди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ўлган шўрликни кафанлаб кўмадиган одам топилмай қолди, — деб ҳикоя қилади жиззахлик Хосият буви. *— Холиқ акам чуқур қазиб, худонинг берган куни тўрт-бешта ўликни ташиб бориб, ўша ўрага ташлаб келадиган бўлди.*

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Раҳматли акам бир куни ўликларни йиғиб, қишлоқдан олиб чиқиб кетаётса, оёқлари акашак бўлиб қолган иркитгина бир ит аравасига илакишди. Ахийри, у бориб осилиб ётган ўликнинг пойчасидан тишлади, лекин уни силтаб тортиб олишга сира қурби етмайди.

— Тур йўқол, эй, ҳаром қотгур! — деб қўяди акам, лекин қамчи сермаб, итни ҳайдаб солишга унинг ҳам ҳоли келмайди...

Катта очарчилик биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келади. Шу маънода Жиззах қўзғолонига фақатгина мардикор олиш сабаб бўлган, десак, хато қиламиз, унинг келиб чиқишига мана шу очарчилик ҳам бир туртки бўлган. Чунки одамларнинг оғзидаги ошигача тортиб олишган ва урушда абгор бўлган чор Русиясига ташиб кетишган.

Қуллик, қарамлик, зулм ва истибдод дегани шу. Асрлар мобайнида унинг жабру жафолари шўрлик халқимизни кўз очиргани қўймай келди. Гоҳо уни оғзидаги ошидан, гоҳо эса ризқу насибаси манбаи бўлмиш бир парча еридан маҳрум этди...

II

1927 йилнинг декабрида ВКП(б) якка деҳқон хўжаликларини бирлаштириб, йирик жамоаларга айлантириш, кейинчалик эса қулоқ хўжаликларини узил-кесил тугатиш ҳақида қарор қабул қилган. Шўро тарихида бунинг сабаби юзлаб мавҳум ва тўмтоқ жумлаларда, дағдағали оҳангда изоҳлаб ўтилган. Асосан турли маҳсулот етиштирувчи майда деҳқон хўжаликлари ўз-ўзидан капитализмни келтириб чиқаришда айбланган.

Ер эса давлат тасарруфига ўтказилган, шўро тарихида қайд этилишича, гўёки *«деҳқонларнинг асрлар мобайнида* ***хусусий мулкчилик хурофотларига, ўз чек ерларига боғланиб қолишига*** *барҳам берилган».*

1929 йилнинг охирида деҳқончиликда ишлаб чиқаришни янгича ташкил этиш, яъни *«ёппасига коллективлаштириш»* бошланди. Наинки заминдорлар, балки *«колхозга киришни истамаган кишилар қулоқ ёки қулоқвачча деб эълон қилинган»* («СССР тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 1991 йил). Ва уларга қарши шафқатсиз ҳужум бошланган.

—1932 йили отамизнинг бир парча ери бўлгани учун ҳукумат қулоқ қилган, мол-мулкимизни тортиб олиб, «ким ошди» қилиб сотиб юборишган, — деб эслайди фарғоналик 85 яшар Собир ота Мирзажонов. *— Бизни Украинага кўчирадиган бўлишди. Шуни эшитишим билан вокзалга бордим-да, қулоқ қилинган оилалар қандай қилиб у ёққа жўнатилаётганини зимдан кузатдим. Жазирама иссиқ. Одамларни уриб-суриб қизил вагонга тиқишаяпти. Уларга на сув беришади, на ҳожатга чиқаришади. Бу ёқда — уззу-кун навбат кутаётганлар...*

Бақир-чақир, қий-чув, оҳ-фарёд...

Мен ўша ерда оғзини каппа-каппа очиб, ўлиб қолган чолларни, болаларни ўз кўзим билан кўрганман, кўриб, юрагим орқага тортиб кетган.

У замонда одам боласининг бир саёқ итчалик қадри бўлмаган. Шундай кўргуликлар пешонада бор экан. Ўттиз йил бегона жойларда юрак ҳовучлаб яшадик, минг бир уқубатни бошдан кечирдик.

1930-1932 йилларда Ўзбекистонда ўз томорқаси, бир парча ери, мол-мулки бўлган қирқ минг хўжалик, қарийб 400 минг киши қулоқ сифатида ҳибсга олинган, қириб ташланган ёки Сибирга, Украина ва Шимолий Кавказга, шунингдек, бошқа ўлкаларга сургун қилинган. Водийдан, Бухоро ва Хоразмдан қулоқ қилинган минглаб кишилар Каттақўрғон туманидаги Миёнкал ороли деб ном олган жойга келтирилиб, отиб ташланган.

III

Урушдан сўнг стратегик хомашё сифатида пахта сиёсати янада кескинлашди. Ҳатто 1947 йили режадаги ҳосил кўтарилмаганда Ўзбекистон халқи умумдавлат манфаатларини унутиб қўйишда айбланди. Пахта валюта даромадлари манбаига айлангач, у боғ-роғларни, дон-дун, қовун-тарвуз ва бошқа экинларни ҳам қишлоқ хўжалигидан бутунлай сиқиб чиқарди. Кейинчалик дашту далалар ўзлаштирилди, оқибатда аҳоли ўз молини боқадиган ерлардан ҳам маҳрум бўлди...

Эллигинчи йилларда эса шаҳар ва посёлкаларда чорва моллари боқишга буткул барҳам берилди. Мевали дарахт учун солиқ солинди, аҳолининг қўй ва моллари сони чеклаб қўйилди, от ва туя боқиш тақиқланди, ўз навбатида бу шахсий томорқа хўжалигини тамомила издан чиқариб, деҳқонни хонавайрон қилди. Оқибатда одамлар ердан безиб кетди.

Нимага деганда, ер — давлат мулки, деҳқон эса жамоа хўжалиги аъзоси сифатида давлат буюртмаси бўйича ишлашга, ҳосилни йиғиб-териб олгач, давлатга топширишга маҳкум этилди. Бу ноҳақликка чидай олмай, қишлоқни ташлаб кетай деса, деҳқон эл қатори паспорт олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди. У фақат қишлоқ совети хўжалик дафтаридагина рўйхатда турарди, холос. Шу тариқа деҳқон давлатнинг чоракорига айланди ва давлат ерига ипсиз боғланиб қолди...

«Ўзбекистон тарихи»да қайд этилишича, 1956 йиллардаёқ деҳқонларнинг томорқаси ўртача ҳисобда бир сотихни ташкил этган. Яна бу ерда бирон-бир неъмат етиштирилса, у ҳам умумиттифоқ фондига етказиб берилган.

Олтмишинчи йилларда ҳукумат маҳаллий шароитни инобатга олмай хуторларни тугатишга қарор қилди. Бу эса жойларда бир-бирига зид бўлган икки хил вазиятни келтириб чиқарди. Совхозларда тарқоқ қишлоқлар тугатилди, марказий қўрғонлар эса кўп қаватли уйлардан ташкил топди. Уларда на яшашга шароит, на шахсий томорқа бор эди. Жамоа хўжаликлари эса режа асосида уй-жой қуриш учун одамларга ер берди, аммо шундан сўнг токи тўқсонинчи йилларгача пахта сиёсати сабаб, аҳолига ер бериш узил-кесил тўхтатилди. Ҳолбуки, бу давр ичида бутун бир авлод вояга етди, оилали, бола-чақали бўлди. Табиийки, улар ўз ота-онаси билан бирга, бир ҳовлида тиқилиб яшашга маҳкум эди.

— Эсимда, ўғилларим мана шу иморатни тиклашаётганида, «Уйларни ихчамроқ қилинглар», — деб улар билан кўп тортишганман. Сабаби, бир туп бўлса ҳам кўпроқ бодринг экайлик, ризқ-рўзимиз шундан, деганман, — деб ҳикоясини давом эттиради Собир ота Мирзажонов. *— 1975 йили 300 кило турпни олиб, Москвага бориб, энди сотаман, деб турганимда мени тутиб олишган. Тошкентга олиб келиб, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Чайқовчи» деб «уриб» чиқишган, беобрў қилишган, кейин суд қилиб, уч йилга «кесиб» юборишган. Замон шундай эдики, ҳатто пешона теринг билан ўзинг етиштирган маҳсулотни ҳам сотишга йўл бермас эди.*

Фарғона воқеалари ҳақида биров у деди, биров бу деди, лекин Ислом Каримовгача ҳеч ким кейинги йигирма беш йил мобайнида деҳқонга бир парча ер берилмагани ҳақида ўйлаб кўрмади.

Ахир, деҳқон ер билан тирик-ку, болам!

IV

Ҳолбуки, 1959 йили республикада 1 миллион 682 минг оила истиқомат қилган бўлса, 1989 йилга келиб уларнинг сони 3 миллион 415 минг 375 тага етган.

1959 йили республикада 8 миллион одам яшаган бўлса, 1989 йилга келиб аҳоли сони 20 миллион кишига етган.

Аҳолининг олтмиш фоиздан ошиғи қишлоқда яшайдиган Ўзбекистонда кейинги чорак асрда «оқ олтин» ҳазрати олийларидан бошқа ҳамма нарса унутилди. Минг машаққат билан уни етиштираётган деҳқоннинг эса моддий ва маънавий эҳтиёжларидан кўз юмилди.

Оқибатда, портлайдиган вазият вужудга келди. Фарғонада ғанимлар унга гугурт чақиб ташлашди...



ОНА ЕР

Қишлоқдаги ўзгаришлар тарихига бир назар

2. ФОЖИА ИЛДИЗЛАРИ

I

Водийни айланиб, икки тарафи ям-яшил, кенг ва равон йўлдан Қувасой сари борар эканмиз, ёзувчи Алишер Ибодинов тоғ ёнбағрини тутиб кетган бепоён боғларга ишора қилиб: — Бир пайтлар мана шу ер тошлоқ дашт эди, — дея изоҳ берди. — Бу адоқсиз боғ-роғларнинг барчаси кейинги беш-ўн йил ичида бунёд этилди.

Жаннатмонанд боғу бўстонларни оралаб ўтиб, Қувасой шаҳрига кириб бордик.

Ўзбекистоннинг кунчиқар қисмида жойлашган, Қирғизистон чегарасига тақалиб турган бу шаҳар ўзининг шинам ва осойишталиги билан кишини ҳайратга солади.

Кўчалар озода, ям-яшил, икки қанотдаги иморатлар шу қадар кўркамки, кўрган кўз қувонади. Бир вақтлар мана шу ерда кўкка фиғон ўрлаган, уйларга ўт қўйилган, таҳлика қўнғироғи кишиларни огоҳликка даъват этган, деса, одамнинг ишонгиси келмайди.

— Қувасойда чақмоқ уриб, шундан ўт чиқиб кетган эмас, — дейди шу ерлик ўқитувчи Аҳмаджон Тешабоев. — Қонли тўқнашув бошланишидан бир-икки ой илгари қандайдир шубҳали кимсалар шаҳару қишлоқларни оралаб қолишди, улар: «Фалон жойда ановилар бир қизнинг номусига тегибди», «Бир болани қиймалаб ташлашибди», «Бир чолни ёқиб юборишган», — дея халққа оғир ботадиган, ориятига тегадиган фисқу фасод тарқатишди, ҳатто шуни тасдиқловчи иркит ва хира расмларни кўрсатган бўлишди, фитна қўзғашди. Бу ҳаракат ўсиб бориб, ахийри шундай тус олдики, эҳтирослар жунбушга келиб, оломон ҳатто нима содир бўлаётганини англашга ҳам ожиз қолди, вазиятни бошқариш эса тамомила бузғунчилар қўлига ўтди.

Фавқулодда вазият вужудга келган ўша кунларда 103 киши ҳалок бўлди, 757 уй, 275 автомашина, давлатнинг 27 муассасаси ёқиб юборилди ва талаб кетилди.

1989 йилнинг 4 июнида вилоят ҳудудида комендантлик соати жорий этилди. Республика раҳбариятининг илтимосига кўра, СССР ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари бўлинмалари тартиб ўрнатишга сафарбар этилди.

«Оммавий тартибсизлик авж олишидан аввал, — деб ёзади «Литературная газета» 1989 йилнинг 14 июнида, — *вилоятга Россиядан қатор ўта хавфли жиноятчилар келган».* 17 июнь куни «Ёш ленинчи» газетаси месхети туркларига нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотувчи ясама фотосуратлар ҳамон қўлдан-қўлга ўтиб юрганини қайд этади.

Олтиариқлик Мамазокир Сотволдиев ҳам катта-катта машиналарда қандайдир кимсалар қишлоқма-қишлоқ қуюндай изғиб юрганини хотирлайди. «Улар ғулу қўзғаб, тинимсиз ваҳима қилишди, оломоннинг эҳтиросига ўт қўйишди, — дейди у. — Оқибатда шу балою офат келиб чиқди».

«Фарғона воқеалари туфайли туб жой аҳоли бизга ёвқараш қиладиган бўлиб қолди, — деб ёзади Иркутск шаҳрида таълим олаётган Х. Азизов. — *Москва телевидениеси Фарғона воқеаларига шундай тус бердики, одамлардан кўзимизни олиб қочадиган бўлдик. Аксига олиб, ўша кунлар хат-хабар ва телефон алоқалари ҳам буткул узиб қўйилган эди.*

Марказий газеталар эса «қонхўр», «ваҳший», «нашаванд» деб нуқул бизни айблай бошлади. Халқ депутатлари съездида Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Рафиқ Нишонов: «Фарғонадаги жанжал бозорда, бир ликопча қулупнай устида чиққан», дегач, гапнинг очиғи, бош кўтариб кўчада юришга юзимиз қолмади...» («Ёшлик» журнали, 1990 йилнинг апрели).

Аввало, ҳеч бир жойда қон тўкилмасин. Бегуноҳ бир инсон қони тўкилдими, бас, энди бу ерда ким ҳаққу ким ноҳақ, адолат қайдаю разолат қайда — ажратиб олиш қийин муаммога айланади.

Тўқсонинчи йилларда аланга ичида қолган эллар, элатлар, юз минглаб бегуноҳ инсонлар ўлимига сабаб бўлган машъум кулфатлар, унинг юракни зирқиратувчи оғир оқибатлари мана шундан далолат беради. *«Сумгаит, Фарғона, Тбилисининг дўзахий алангалари қиёмат қойимдан андоза олиб қилинган ишдир»,* деб ёзади рус олими Б.Альтшулер («Книжное обозрение», 1990 йилнинг 20 июли). Кўз очиб юмгунча бу аланга Қувасойдан Тошлоққа, кейин Марғилонга, ундан Қўқонга таралди.

Бўка ва Паркент, Гулистон воқеалари, кейинчалик Ўш ва Ўзганда содир этилган қонли тўқнашувлар кишиларни даҳшат ва саросимага солди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакат жар ёқасига келиб қолди.

II

1989 йилнинг 15 июнида республика фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди, йиғилишда Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Рафиқ Нишонов *Фарғона вилоятидаги* ***миллатчилик*** *кўринишлари ва вазиятни барқарорлаштириш вазифалари ҳақида* маъруза қилди. Куни кеча: «Бу — бир ликопча қулупнай устида чиққан жанжал», — деган одам бугун унга даҳшатли тус бериб, **миллатчи** сифатида халққа сиёсий айб қўйди.

Ўша кунгача «пахта иши» баҳонасида ўзбеклар «юлғич», «товламачи», «уюшган жиноятчи» деб бутун дунёга жар солиб келинган, юзига қора чаплаб ташланган эди, энди унга «миллатчи» деган тавқи лаънат ҳам ёпиштирилди. Лекин месхети турклари иттифоқ ҳукумати раҳбари Николай Рижковга: *«Биз бугун ўзбек халқини айбламаймиз,* — дейишди, — *чунки бу ишнинг ўзбекларга ҳеч қандай дахли йўқ»* («Ёш ленинчи», 1989 йилнинг 16 июни).

«Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқаяпти, — деб ёзади 17 июнь куни «Ёш ленинчи» газетаси. — *Тартибсизликлар олдиндан тайёрланган».* «Совет Ўзбекистони» газетаси эса ўша йилнинг 12 августида фитначилар *«режасини аниқ амалга оширишларига шароит яратиб берилган»*ини қайд этади. Орадан уч кун ўтгач, Миллий ахборот агентлиги мухбири ҳам айнан шу фикрни тасдиқлайди: *«Бу олдиндан аниқ-равшан режалаштирилган операциядир».*

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, бу ёвуз қабоҳатдан кўзланган мақсад нима ўзи?

Албатта, Ўзбекистонни олов ичига тортиш...

Ўша даврда мана шундай оташ-аланга ичида қолган, жаҳолат авж олиб ўз ёру дўстлари, биродарларини қириб ташлаган, туғилиб ўсган она юртини вайрон қилган халқлар фожиаси шуни англатадики, бу офат ўз вақтида қатъият билан бартараф этилмаганида, сиз билан бизнинг бошимизга ундан ҳам оғир мусибатлар, ундан беш баттар кулфат ва йўқотишлар, қирғинлар ёғилиши муқаррар эди.

Комендантлик соати жорий этилган ўша нотинч ва бесаранжом кунларда кўчалар ҳувиллаб қолган. Мактабларда, олий ўқув юртларида ўқиш тўхтатиб қўйилган. *«Ахир, шусиз ҳам мамлакатимизда бахтсиз ҳодисалар каммиди?»* — деб зорланади шоира Ҳакима Ҳасанова. («Ёш ленинчи», 1989 йилнинг 9 июни). Таҳдидли, таҳликали вазиятда зиқланиб кетган журналист: *«Қачонгача комендантлик соати ҳукм суради?»* — деб савол қўяди.

III

Ҳаёт издан чиққан, кўзларга қон қуюлган мана шундай асабий, бесаранжом вазиятда, 1989 йилнинг 23 июнида Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари этиб сайланди. Орадан уч кун ўтгач, у комендантлик соатини бекор қилади.

— Ҳаммамиз қон қақшаган ўша қора кунларда одамлар нима билан яшаб, қандай нафас олаётганини биладиган, уни ҳимоя қиладиган инсоннинг юртимизга бош бўлиши халқимизнинг «Худо!» деган халқ эканидан далолат беради, — дейди олтиариқлик Абдуфаттоҳ ота Содиқов. — Яшириб нима қилдик, ўша хатарли кунларда Юртбошимиз халқнинг дардига дармон, кўнглига малҳам бўлмаганида, юртга эгалик қилмаганида, гапи кесиб турмаганида, билмадим, аҳволимиз не кечар эди?

Ўзбекистоннинг янги раҳбари ўша мушкул ва мураккаб вазиятда эл-юртнинг дарду ҳасратлари, ғаму кулфатларига шерик бўлди, улар билан бирга туз тотиб, ўз халқининг юкини мардона елкасига олди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимовнинг эслашича, давлатимиз раҳбари водийдаги айрим хонадонларда эшик олдигача пахта экилганини, бир ҳовлида олти-етти оила тиқилиб яшаётганини кўриб, ларзага тушганини кейинчалик ҳам қайта-қайта куюниб таъкидлаган.

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлагач, орадан ўн икки кун ўтиб, 1989 йилнинг 6 июлида Фанлар академиясида иқтисодчи олимлар билан кенгаш ўтказди. Кенгашда у Фарғона воқеаларига муносабат билдириб, бу фожианинг келиб чиқишида иқтисодий қийинчиликлар ҳам етакчи омил бўлганига эътиборни қаратди. Шунда олимлар: *«Бугун бутун иттифоқда ҳалокатли вазият ҳукмрон,* — дея қайд этишди, — *аммо Ўзбекистонда бу инқироз янада жиддий ва кескиндир».*

«Ўзбекистон халқи олдида кенг миқёсли, жуда мураккаб вазифалар турибди, — дея уқтирди Ислом Каримов. — **Деҳқонларга ер беришда ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини буйруқбозлик асосида режалаштиришга барҳам беришда ҳам аниқ-равшан ишларга ўтиш пайти келди...**

Инсонга, унинг орзу-ҳаваслари, эҳтиёжларига эътибор бўлса, ҳамжиҳатликда ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин».

Орадан бир кун ўтгач, 1989 йилнинг 8 июлида республика Министрлар советида Ислом Каримов раҳбарлигида кенгайтирилган кенгаш бўлиб ўтди, унда *«Қишлоқ меҳнаткаши учун уй ва ер»* масаласи кўриб чиқилди, қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Ана шу кундан бошлаб одамларга томорқа ва қўшимча томорқа бериш, якка тартибда уй-жой қурувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг техника, асбоб-анжом, тахта-ёғоч, бинокорлик материаллари, шахсий ёрдамчи хўжаликларни чорва моллари, парранда, озуқа ва уруғлик, ўғит ҳамда кўчат ва, энг муҳими, давлат томонидан узоқ муддатли қарз-маблағ билан таъминлаш шахсан Ислом Каримовнинг назоратидаги қатъий ҳаракатга айланди.

IV

1989 йилнинг 15 августида ***«Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»*** қарор қабул қилинди.

Унда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ижтимоий аҳамиятини жойлардаги раҳбарлар етарлича англаб етмаётгани, одамларга томорқа ва қўшимча томорқа беришда сусткашликка йўл қўйилаётгани аёвсиз танқид қилинади. Томорқа сўраган ҳар бир оилани тўрт ярим ой ичида узил-кесил ер билан таъминлаш вазифаси қатъий тарзда кун тартибига қўйилади.

Бу қарор жуда кенг кўламли бўлиб, ҳатто шахсий ёрдамчи хўжаликда ишлаётган аёлларнинг нафақага чиқиши масаласигача белгилаб қўйилган. Қарорда, шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ва томорқа, қўшимча томорқа берилишига панжа орасидан қаровчиларнинг, таъмагирлик билан хизмат мавқеини суиистеъмол қилувчиларнинг буткул пайини қирқиб ташлаш зарурлиги алоҳида уқтирилган.

Шу муносабат билан аҳолининг уй-жой қуриши ва мол сотиб олиши учун 243 миллион рубль маблағ ажратилади. Йилнинг охирига қадар 1 миллион 253 минг оилага бўлиб берилган 150 минг гектар суғориладиган ер, 21 минг бош бузоқ, 312,5 минг бош қўзи ва улоқ, 10,4 миллион товуқ меҳнаткашларнинг хусусий мулкига айланади.

Албатта, бундан: «Бир қарор туфайли шунча ишлар ўз-ўзидан бўлиб кетган экан-да!» — деган хулоса чиқармаслик керак. Ўша нотинч ва бўҳронли, олатасир даврда иттифоқ ҳукумати ҳам ҳар йили юзлаб қарорлар қабул қилган, ўша қарорлар ҳам мавжуд муаммолар ечимига қаратилган. Аммо эртаси куни амалда шу қарорга зид бўлган кўрсатма ҳаётга татбиқ этилган. Яъни сўзда бошқа-ю, амалда — бошқа. Шу боис кўпчилик каттаю кичик раҳбарлар ҳукумат қарорини шунчаки кўнгил учун айтилаётган гапдек қабул қилишган.

Бунинг устига, пахта яккаҳокимлиги ҳали ҳукмрон бўлиб турган мураккаб бир вазиятда, яна маҳаллий ҳукумат қарорини тўла-тўкис амалга ошириш — пахтазор ерларни одамларга томорқа сифатида бўлиб бериш қанчадан-қанча қаршиликларни сабот ва матонат билан енгиб ўтишни тақозо этган...

Зийрак ўқувчи: «Ахир, гап Фарғона воқеалари, қора кучлар халқимиз бошига солган кулфатлар ҳақида эди-ку, нега у томорқа масаласига айланиб кетди?» — деб ўйлаётган бўлса, ажаб эмас.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Сиз билан бизни чалғитган эса воқеалар оқимини ҳаракатга келтирувчи ички тўлқинлардир.

V

Ўзбекистоннинг янги раҳбари Фарғона воқеалари замирида ётган ва мана шундай хатарли вазият яратишга имкон берган мавжуд воқеликни, бир неча ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган ўткир ва беҳисоб муаммоларни, бир сўз билан айтганда, фожианинг туб ижтимоий-иқтисодий илдизларини бутун моҳияти билан аниқ-равшан кўриб қолмай, халқнинг дарду изтиробларини ўз юрагидан ўтказган.

Бу масалани ўз вақтида ҳал этмаслик тараққиётимизга тушов бўлиб қолмай, эртага янада оғир оқибатлар келтириб чиқариши муқаррар эди.

Давлатимиз раҳбари халқнинг қўл-оёғини боғлаб ташлаган энг ўткир ижтимоий муаммони бартараф этиш билан бирга узоқни кўзлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тизимини тубдан ўзгартириш, бунинг қонуний асосларини яратиш, шунга халқнинг ишончини уйғотиш йўлидан борди. Ўз вақтида жонбозлик ва жасорат билан амалга оширилган бу кўламли ишлар кейинчалик — машаққатли ўтиш даврида халқимизга тоғдек таянч бўлгани ҳеч бир кишига сир эмас, албатта.

«Фарғона фожиаси чуқур иқтисодий ва сиёсий танглик боис, кўпчилик ёшларнинг ишсизлиги ва муҳтожлигидан ўзларининг қора мақсадлари йўлида фойдаланган жиноятчи гуруҳлар қутқуси билан содир бўлди, — деган эди Президент Ислом Каримов 1990 йилнинг 31 майида «Ўзбекистон аҳлига мурожаат» қилиб. — **Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган; токи фуқаро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар.**

Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам, элнинг нони бутун бўлсин, деймиз. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳали жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналарни тиклаш, тилимизнинг равнақи, кишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси — жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки умидбахш қадамлар, халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада қутлуғ бўлғай».

Мана шундай мақсад йўлида 1989 йилнинг ёзида бошланган кенг кўламли ишларни ўзимизга аниқ тасаввур этиш учун яқин тарихга бир назар ташлаш, уни тадқиқ этиш жоиз, албатта. Шунинг учун ҳам биз деҳқоннинг томорқадан маҳрум этилиши, ерга эгалик туйғусининг барҳам топтирилиши билан боғлиқ даврларни, қарама-қаршилик ва зиддиятларга бой тўқсонинчи йилларни, давлатимиз раҳбари келажакни кўзлаб олиб борган халқчил сиёсат асосларини таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Жайдари тилда «одамларга томорқа бериш» деб айтиладиган, сиртдан қараганда, оддий бир ишдек туюладиган, аслида эса янгича қарашлар билан эскича кайфият, халқпарварлик билан амалпарастлик, ҳақлик ва ноҳақлик ўртасидаги улкан зиддиятлардан, маънавий-ижтимоий курашлардан ташкил топган мушкул ва мураккаб бу жараён ҳақида кейинги мақолада баҳоли қудрат ҳикоя қиламиз.

■ **Ғаффор ҲОТАМОВ,**
Қуддус АЪЗАМОВ

СИЁСИЙ МУШОҲАДА

КУЧГА ТАЯНГАН ДАВЛАТ КУЧЛИ БЎЛОЛМАЙДИ

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» миллий истиқлол ғояси билан уйғун тарзда ҳаётга татбиқ этилмоқда. У мамлакатимизда белгиланган эркин, демократик, кучли фуқаролик жамияти қурилишининг устувор йўналиши билан муштарак. «Кучли давлат» атамаси, бизнингча, муайян жамият, давлат қурилиши, унинг сиёсий мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда халқнинг хоҳиш-иродаси, эркинлиги, мустақиллиги билан боғлиқ ҳолда ўзида икки жиҳатни олиши билан характерланади. Мамлакат мустақиллиги туфайли «кучли давлат ва кучли жамият» атамаси, унинг маъно ва мазмуни турли хил эканлиги равшанлашди. У ўтмиш сиёсати ва мафкураси орқали кечганлигини ҳисобга олиш зарур. Шу жиҳатдан унинг салбий ва ижобий талқини мавжудлигини таъкидлаш лозим. «Кучли давлат» салбий маънода ўтмиш мафкураси ва собиқ совет давлати мисолида давлат монополияси ўрнатилиши, демократик тамойиллар ва қадриятларнинг қадрсизланишини, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида давлатнинг роли ошиб, ҳамма нарсани ҳал этувчи «зўравон куч»га айланиб, инсон эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларининг ҳам топталиб бориши билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Бунда «давлат кучининг марказлашиб» тўпланиб бориши унинг куч-қудрати бир томонлама ошиши замирида ички заифлашиш ҳолатини пайдо қилиш эвазига унинг қонунияти намоён бўлади. Давлатнинг кучи «зўравонлик» асосида қурилади, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи йўқолиб боради. Ишонч йўқолган ва заифлашган сари, давлат зўравонликка эътиборни кучайтиради. Бу унинг заифлиги белгиси сифатида намоён бўла бошлайди. Кучга таянган давлат ҳеч қачон кучли бўла олмайди. Бунга собиқ совет давлати қурилиши аниқ мисол бўла олади.

Ўтмишдан сабоқ чиқарган ҳолда ҳамда ўзбек давлати тарихий анъаналарига таяниб, мустақиллик шароитида «кучли давлат» атамаси янги маъно ва мазмун касб эта бошлади. Давлат амал қилган ғоялар, мақсадлар, тамойиллар тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда «фуқаро — жамият — давлат» тизимига ўтилганлиги, инсон манфаатларининг биринчи ўринга қўйилганлиги, «кучли давлат» атамасига янгича руҳ, қувват бахш этиш имкониятини берди.

Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш ҳеч қачон давлатнинг кучсизланиб боришини билдирмайди. Аксинча, давлатнинг кучи янги иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маънавий негизда намоён бўлади. Бу янги қонуний муносабатларда кўринади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Давлатнинг куч-қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади».

Бугун кучли жамият қуриш вазифаларини амалга оширишдаги давлатнинг ўрни унинг қонуний асосларини яратишда ҳамда назоратчиликни таъминлаш каби жиҳатларда яққол намоён бўлмоқда. Айтайлик, давлат иқтисодга бевосита аралашмаса ёки мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлашиб борса, буни давлатнинг ўрни, мавқеи тушиб борар экан деб тушуниш тўғри эмас. Зеро, давлат унинг қонуний асосларини яратиш ва такомиллаштириш орқали ҳам назоратни йўлга қўйиш, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқларини жой-жойига қўйиш орқали ўзига бўлган ишончини таъминлайди. Бу эса давлатнинг кучини янада мустаҳкамлайди.

Фуқаролик жамиятини қуриш вазифалари амалга оширилаётган ҳозирги даврда жамият кучининг маъно-моҳиятини чуқур билишга эришиш муҳим. Кўп қиррали бу жараён жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига олади. Айни пайтда, жамиятнинг кучи инсонлар уюшмаси сифатида ҳар бир инсоннинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, маънавий-мафкуравий салоҳияти, сиёсий онг ва маданияти даражаси билан, хуллас, уларнинг ижтимоий фаоллигига бевосита боғлиқ эканлиги аниқ бўлади. Фуқароси фаол бўлмаган жамият кучли жамият бўла олмайди. Кучли жамият фуқаросининг маънавий-мафкуравий салоҳияти ўз ҳаёти маъно ва мазмунини давлат ва жамият ишлари билан уйғун кўра олиш ва унга амал қилиш фаолияти орқали мужассамлашади. Бу ўзига хос қонуният давлат ва жамиятга куч бағишлайди. Шунингдек, илм-фан ва маърифат ҳам кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг ўзига хос омиллари ҳисобланади. Инсон онги, дунёқараши, тафаккури кучли жамият қурилишига хизмат қилиши табиий. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли жаҳонда «ўзбек модели» деб тан олинаётган ривожланиш йўли бўлиб, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш ғоясини амалга ошириш — дунё мамлакатлари давлат ва жамият қурилиши тажрибасини ўзига хос янги мазмун билан бойитиши шубҳасиз.

■ **Пўлат РАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

СПОРТ

ЁШЛИК, ШИЖОАТ, МАҲОРАТ

«Тошкент Опен» халқаро мусобақаси якунланди

Қарийб ўн кун мобайнида минглаб мухлислар катта теннис байрамининг шоҳиди бўлдилар.

Маълумки, мусобақада теннисчилар якка ва жуфтлик тарзида баҳс юритадилар. Ўтган шанба куни жуфтликлар ўртасида ғолибни аниқлаб берувчи финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда беларусиялик Татьяна Пут-

чек билан украиналик Татьяна Перебийнис ҳамда голландиялик Петра Мандула билан австриялик Патрисия Вартуш жуфтлиги ўзаро куч синашдилар. Мухлислар Патрисиянинг «Тошкент Опен» баҳсида икки марта ғолиб бўлганини яхши билишади. Гарчанд якка баҳсларда у курашни чорак финалгача давом эттирган бўлса-да, жуфтлик учрашувини кўтаринки руҳда ўтказди. Патрисия билан Петранинг ўзаро ҳамкорлиги Татьяналар устидан ғалаба қозонишга имкон берди. Шундай қилиб, Петра билан Патрисия 6:1 ва 6:4 ҳисобида ғалаба қозониб, 6,5 минг долларга эга бўлиб, ўз ҳисобларига 140 тадан очко ёзишди.

Халқаро рейтингда 35-чи бўлиб турган россиялик Татьяна Панова битта ғалаба билан кифояланиб қўя қолди. Шунингдек, биз Ирода Тўлагановага ҳам умид боғлаган эдик. Негадир теннисчимиз ярим финалга чиқишда имкониятни бой бериб қўйди. Лекин халқаро мусобақа теннисчиларимизга катта тажриба ва синов мактаби бўлди. Асосий турда Иродадан ташқари Оқгул Омонмуродова билан Варвара Лепченколарнинг иштирок этиши ёшларимиз маҳорати ошиб бораётганини кўрсатди.

Финалга шу пайтгача ҳали бирорта нуфузли мусобақада ғалаба қозонмаган, эндигина 19 ёшга кириш арафасида турган германиялик Бианка Ламаденинг чиқишини ҳеч ким кутмаган эди. Бу теннисчининг рейтинги ҳозирча 92. Голландиялик Седа Ноорландер ҳам 170 рейтинги билан финалга чиқиб, кўпчиликни ҳайратга солди. Шундай қилиб, ана шу икки теннисчи ўртасида қизғин баҳс бўлди. Биринчи сетда Бианка 6:3 ҳисобида устун келган бўлса, иккинчи сетда 6:2 ҳисобда Седанинг қўли баланд келди. Учинчи сет ғолибни аниқлаши керак эди. Ёшлик шижоатини астойдил ишга солган Бианка учрашув бошиданоқ юта бошлади. 8-геймга борганда у ҳисобни 6:2 га етказиб қўлини кўтарди.



Шу тариқа «Тошкент Опен» мусобақасининг ғолиби аниқланди. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида ғолибларга совринлар ва миллий чопонлар кийгизилди.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

***

Суратларда: *«Тошкент Опен» теннис турниридан лавҳалар.*

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

ПОЛЬША

«Сизнинг 1995 йилдаги президентлик сайловларидаги ғалабангизни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса сифатида қабул қилган эдим. Бу йилги сайловлар поляклар ҳақиқатда сиз учун овоз беришаётганини кўрсатди. Буни ҳурмат қилиш керак».

ЎНГЛАР ВА СЎЛЛАР РАҚОБАТИ

Польшанинг иккинчи муддатга президентликка сайланган раҳбари Александр Квасьневский номига йўлланган бу табрикнома оҳанги мамлакатдаги ҳозирги сиёсий жараёнлар ҳақида илиқ тасаввур уйғотади. Табрикнома муаллифи Польшанинг собиқ президенти Лех Валенса номи машҳур «Солидарность» касаба қўмитасининг ташкил топиши билан чамбарчас боғлиқ. Сайловга у ҳозирги «Солидарность» томонидан қатнашмаган, бироқ таъкидлаш керакки, Квасьневскийнинг асосий рақибларидан бири айнан шу қўмитанинг ҳозирги етакчиси Мариан Кшаклевский эди. Кшаклевский эса сайловда бошқа бир муқобил номзод Анджей Олеховскийдан кўра камроқ овозга эга бўлди. Мазкур далиллар поляклардаги сиёсий қарашлар ўзгариб бораётганидан дарак

беради. Валенса мазкур сайловда бир фоиз овоз олишга муваффақ бўлди, холос. Ҳозирги Польша сиёсий майдонида икки асосий куч — сўл кучлар уюшмасида жамланган социал демократлар ва асосан «Солидарность» намояндаларини ифода этувчи ўнг кучлар рақобат юргизмоқда. Квасневский сўл кучларнинг етакчиси сифатида ҳокимият тепасига келган бўлса-да, парламентда ҳозир кўпчилик овозга эга бўлган «Солидарность» нуфузини тан олмасдан бўлмайди. Умуман, мамлакатдаги ҳозирги сиёсий жараён ҳақида батафсилроқ таассуротга эга бўлиш учун бу кучларнинг юзага келиш тарихига мурожаат қилиш лозим.

Маълумки, Польша ҳам «Социалистик лагер» тасарруфидаги мамлакат эди. Поляклар ҳаётида мустақиллик, озодлик учун кураш тоталитаризмнинг кучли босими остида ҳамиша тушовлаб келинганини кузатиш мумкин. Хусусан, 1970 йилдаги ишчилар қўзғолонининг ҳукумат томонидан ўққа тутилишини ёки 1976 йилда Варшавадаги завод ишчилари намойишини аёвсиз бостирилишини эслаш кифоя. Польшада демократик йўналишдаги мухолиф партиялар ана шу даврлардан бошлаб юзага келади.

1980 йилда Гданьскдаги кемасозлар корхонасининг ишчилари кўтарган қўзғолон шуниси билан характерлики, унда қўзғолончилар ўз олдиларига қўйган мақсадга эришдилар, ҳукумат, коммунистлар ён беришга мажбур бўлишди. Ўша пайтдаги коммунистик партия кучи ва мавқеини назарга оладиган бўлсак, полякларнинг бу ҳаракати ҳақиқатда жасорат эди.

Лех Валенса бошчилигида кўтарилган бу қўзғолонга поляк интеллектуалларининг қўшилиши уни миллий-сиёсий характер билан тўлдирди, қўзғолоннинг сиёсий мақомини оширди. Хуллас, шу тариқа ҳозирда ҳам мамлакатдаги асосий сиёсий кучлардан бўлиб турган «Солидарность» ташкил топди. Мамлакатда демократиялаштириш жараёни бошланди. Бироқ, табиийки бу узоққа бормади. 1981 йилда Польша коммунистлари раҳбари генерал Ярузевски мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилди. «Солидарность» ҳаракатига чек қўйилди, унинг аъзолари яширинишга мажбур бўлишди.

1980 йил охирларида барча социалистик давлатларга хавф солаётган иқтисодий-сиёсий ҳалокат ва мамлакатдаги вазият ҳукумат вакилларини мухолиф кучлар билан музокара ўтказишга мажбур этди. «Солидарность» ҳаракати тикланди, парламентдаги сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини олди ва аввалига 35 фоиз мандатга, 1989 йилда парламентга ўтказилган сайловларда деярли юз фоиз мандатга эгалик қила бошлади.

Ҳозир сўл социал-демократлар иттифоқи деб аталаётган Польша Республикаси Социал демократлар партиясининг расмий тарихи 1990 йилдан қайд қилинган. Социал-демократларга ҳозирги президент Александр Квасьневский етакчилик қилиб келаётганди. Квасьневский социал-демократик йўналишни замонавий кўринишларини амалда исботлаш билан поляклар ишончини оқлади. Таъкидлаш керакки, у 1989 йилдаги ҳукумат ва мухолифат музокарасида ҳукумат томонидан иштирок этган. Шу сабабли уни мухолифлари коммунистик тарихи борлигида айблашади. Айниқса, бундай важлар сайловолди кампаниясида роса авжига чиққанди. Бу ташвиқотларга қарамасдан поляклар ўзларига ким президент бўлишини Квасьневский ҳисобига ҳал этишди. Мутахассислар ҳақиқатда Квасьневский президентлигида Польшанинг халқаро нуфузи ошганлигини, мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар режали равишда тиклана бораётганини таъкидлашмоқда. Ҳақиқатда Польшанинг Европа Иттифоқи ва Шимолий альянс билан алоқалари бунга ёрқин мисол бўлади.

Хўш, Польшанинг ўнг ва сўл кучлари келишмовчиликларини нималарда кўриш мумкин? Барча «социалистик лагер» давлатларидаги каби Польшада ҳам илк мустақил республика фаолияти кўпроқ мамлакатнинг суверенитетлик мақомларини эгаллашга қаратилди ва тан олиш керакки, даврнинг ўзи ҳам шуни талаб этарди. Ўнг кучларнинг асосий фаолиятлари шунга қаратилди, халқаро алоқалар, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларга кўпроқ шу нуқтадан қаралди. Натижада ўнг кучлар томонидан 1990 йилда президентликка келган Лех Валенса полякларнинг ижтимоий-иқтисодий умидларини оқлай олмади. Бу ўз навбатида кенг қамровли интеграция тарафдорлари — социал-демократларнинг поляклар ўртасидаги нуфузини оширди. Аммо Квасьневскийнинг ўнг ёки сўл кучларнинг томонида туриб ҳаракат қиляпти, дейиш нотўғри бўларди. У бирор томоннинг принципларига асосланмасдан фақат миллий манфаатлар эҳтиёжидан келиб чиқадиган холислик билангина иш юритаяпти. Тўғри, сеймда ўнг кучлар устунлиги ҳамиша ҳам унга эркин ҳаракат қилиш имконини бермайди. Кузда Польша парламентига сайловлар бошланади. Эҳтимол, поляклар Квасьневскийни иккинчи муддатга сайлашганида шуни ҳам эътиборга олишгандир. Ҳозир сеймда «Солидарность» 43,7, социал демократлар эса 35,7 фоиз овозга эга.

Энди яна бир мухолиф номзод — Олеховский ҳақида тўхталсак. Польшанинг Европа Иттифоқи билан яқинлашишида собиқ ташқи ишлар вазирининг хизмати алоҳида таъкидланади. Олеховскийни қувватлаб турган куч поляк интеллектуаллари ҳисобланади. Шунингдек, унинг Европадаги нуфузи жуда баланд. Уни ташқи разведкада Женева билан ҳамкорлик қилганликда айблашган бўлса-да, Олеховскийнинг ўзи бу айбномани Польшанинг тараққиёти учун хизмат қилгани билан оқлайди. Ўтган сайловлар поляк илғор интеллектуаллари ҳам секинлик билан куч тўплаётганини кўрсатди. Умуман Олеховскийнинг келажакдаги зафарлари учун барча имкониятлар мавжуд деган фикр бор. Нобель мукофоти совриндори Лех Валенса эса поляклар учун тарихий шахсга айланди.

Умуман Польшада президентлик учун ўтган сайловлар ҳақиқат ҳозир поляклар учун янги холис ислоҳотни юргиза оладиган етакчи зарурлигини кўрсатди. Квасьневский шундай фазилатлари туфайлигина поляклар ишончини оқламоқда.

■ **Малик МАНСУР**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 20, 27 июль кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Зангиота тумани «Регионал геология» ҲЖга қарашли Зангиота тумани Эшонгузар қўрғонида жойлашган маъмурий биносининг 281,8 кв. м. майдонни эгаллаган қисми **Бошланғич баҳоси — 2791000 сўм** (ер майдони бу баҳога кирмайди).

2. Бўка тумани «Бўка пахта тозалаш заводи» ОТҲЖга қарашли чойхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 420000 сўм** (ер майдони бу баҳога кирмайди).

3. Олмалиқ шаҳар «СУМ-2» ҲЖга қарашли:

— «ГАЗ-52-01» русумли, давлат рақами 54-91 ТШП, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 403000 сўм.**

— «КАВЗ-3270» русумли, давлат рақами 78-24 ТШН, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 572000 сўм.**

— «ПЕЛ-10, «КАВЗ-685» русумли, давлат рақами 39-64 ТШН, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 555000 сўм.**

— «ГАЗ-52-04» русумли, давлат рақами 11AG 461, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 403000 сўм**.

— «ЗИЛ-130» русумли, давлат рақами 27-31 ТШМ, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 411000 сўм**.

— «ЗИЛ-431412» русумли, давлат рақами 38-85 ТШН, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 462000 сўм**.

4. Қуйичирчиқ тумани марказий шифохонасига қарашли «РАФ-22031» русумли, давлат рақами 34-84 ТШП, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 150000 сўм**.

5. Ўзбекистон Республикаси ФА Сейсмология институтининг комплекс экспедициясига қарашли:

— «ВАЗ-21053» русумли, давлат рақами 90-72 ТНБ, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 274000 сўм**.

— «УАЗ-452» русумли, давлат рақами 10 AE 392, 1973 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 160000 сўм**.

— «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10 AS 052, 1977 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 152000 сўм**.

— «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10 AS 050, 1976 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 152000 сўм**.

— «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10AS 051, 1979 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 152000 сўм**.

6. Тошкент тумани ДСИга қарашли «КамАЗ-35320» русумли, давлат рақами B870HO56, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 487500 сўм**.

7. Тошкент вилояти Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасига қарашли «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10 AP 183, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 237000 сўм**.

8. Пскент тумани 79-сон махсус ёрдамчи мактаб-интернатига қарашли «ЗИЛ-431-410» русумли, давлат рақами 74-38 ТШН, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 404000 сўм**.

9. Янгийўл тумани хусусийлаштириш бўлимига қарашли «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 68-04 ТША, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 82000 сўм**.

10. Янгийўл тумани марказий шифохонасига қарашли:

— «РАФ-22031» русумли, давлат рақами 37-08 ТШП, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 230000 сўм**.

— «РАФ-22031» русумли, давлат рақами 11 AC 293, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 230000 сўм**.

11. Чирчиқ шаҳар 2-сон савдо шаҳобчасига қарашли:

— «ГАЗ-53-12» русумли, давлат рақами 33-17 ТВ, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 373000 сўм.**

— «ГАЗ-53-Н» русумли, давлат рақами 33-07 ТВ, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 374000 сўм.**

— «УАЗ-33031-01» русумли, давлат рақами 33-24 ТВ, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 216000 сўм.**

— «ГАЗ-53-12-16» русумли, давлат рақами 33-21 ТВ, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 323000 сўм.**

— «ГАЗ-66-02» русумли, давлат рақами 33-22 ТВ, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 306000 сўм.**

— «ГАЗ-52-04» русумли, давлат рақами 33-03 ТВ, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 348000 сўм.**

— «ГАЗ-52-Н» русумли, давлат рақами 33-11 ТВ, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 373000 сўм.**

— «ГАЗ-53-12-01» русумли, давлат рақами 33-16 ТВ, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 373000 сўм.**

12. Тошкент тумани «ПМК-2» корхонасига қарашли:

— «КамАЗ-5511» русумли, давлат рақами 71-25 ТШС, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 619000 сўм.**

— «КамАЗ-53213» русумли, давлат рақами 81-45 ТНМ, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 805000 сўм.**

— «КамАЗ-5511» русумли, давлат рақами 88-75 ТШР, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 619000 сўм.**

Аризаларни қабул қилиш 2001 йил 20 июль куни соат 9.00 да тўхтатилади.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йилдаги 24,39,48,51,61-сонларидаги эълонларга асосан савдога қўйилган ва сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари ўтказилади.

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали раҳбарияти биржа аъзолари — фаолият кўрсатиб келаётган брокерларни 2001 йил 26 июль куни соат 10.00 да шаҳодат (аттестация) комиссияси мажлисига таклиф этади. Комиссия мажлисига келмаган брокерлар филиалда ўтказиладиган биржа савдоларида иштирок этишдан маҳрум этиладилар. Шунингдек, брокерлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ҳамюртларимизни ҳамкорликка чорлайди.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-77-18, факс: 133-49-31.

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

КУЙДИРГИ

ЁКИ ОҒРИМАГАН ЯРАДАН ҚЎРҚ

Ўтган аср ўрталарида Сибирдаги кўплаб ҳайвонлар ўлимига ва қирилиб кетишига сабаб бўлган касалликни «Сибирь яраси» деб номлашади. Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиё республикаларида бу яра халқ табобатида куйдириш усули билан даволанганлиги учун «куйдирги» номини олган.

Куйдирги — бактериал зооноз, яъни чорва молларидан одамларга ўтадиган оғир юқумли касалликдир.

Куйдирги таёқчасининг спораси ташқи муҳитга чидамли бўлиб, сувда, тупроқда бир неча ўн йилгача сақланади. Қуёш нури таъсирига 20-30 кунгача чидайди, 70-80 даражада иссиқликда бир неча соатда, қайнатилганда 10-30 дақиқада, дезинфекциядан сўнг эса 1-2 соатда ўлади.

Таёқчанинг вегетатив шакли эса ташқи муҳитга чидамсиз.

Куйдирги споралари ифлосланган сув, яйлов ўтлари, ем-хашак орқали ҳайвон организмига юқади. Куйдирги касаллигини (бактериясини) тарқатишда пашша, кана ва шунга ўхшаш ҳашаротларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Куйдирги билан кўпроқ қорамол оғрийди. Касал ҳайвон сийдиги, нажаси, оғзи ва ичагидан ажралаётган қон билан бактериянинг ташқи муҳитга чиқишини таъминлайди.

Одамга касаллик асосан ҳайвонларни парвариш қилганда, қашлаганда ёки сўйганда гўшт маҳсулотлари, териси ва жунидан ўтиши мумкин.

Куйдиргидан ўлган ҳайвон жасади хлорли оҳақ ишлатилмасдан кўмилган бўлса, споралар ёмғир чувалчанглари ёрдамида ер юзига чиқади. Споралар ифлосланган буюмлардан, эски-тускилардан чанг орқали ўпкага тушиб, касалликнинг ўпка шаклини юзага келтиради. Бу ҳолат кўпинча жунга ишлов берувчилар, тери ошловчилар, чарм маҳсулотлар тайёрловчи ходимлар ўртасида қайд этилади.

Касалликнинг клиник шакли бактериянинг организмга кириб келиш йўлига боғлиқ бўлади. Куйдиргига хос яширин давр бир неча соатдан 14 кунгача, ўртача 2-3 кун давом этиши мумкин. Касаллик 98 фоиз ҳолларда тери-карбункули кўринишида намоён бўлади. Яра юз, бўйин, оёқ-қўл терисида, баъзан баданда учрайди. Бактерия кирган жойда олдинига қизғиш доғ пайдо бўлиб қичишади, ачишади, беморни безовта қилади. Бу доғ нўхотдек келадиган тугунчага, кейинчалик эса пуфакчага айланади. Пуфакча ичида олдинига сариқ, кейинчалик эса қон аралаш қизғиш-қўнғир рангли суюқлик ҳосил бўлади.

Пуфакча ёрилиб, қуриб, ўрнида пўст пайдо бўлади, яра атрофидаги янги пуфакчалар ҳисобига қора пўст катталаша боради ва кейинчалик ўртасида кўмирга ўхшаш қора яхлит пўст шаклланади. Яра оғриқсиз кечади.

Яранинг лабда пайдо бўлиши юқори нафас йўлларида тўқималар шиши пайдо бўлишини таъминлаб, касалликнинг оғир ўтишига сабаб бўлади. Касаллик дармонсизлик, бош оғриши, юқори иситма билан бошланиб кундан-кунга беморнинг аҳволи ёмонлаша боради. Иситма 5-6 кун ушланиб, кейин меъёрлашади. 2-3 ҳафта ичида шиш қайтиб яра ўртасидаги қора пўст кўчиб, ўрнида чандиқ қолади.

Куйдиргининг спектик шакли кам ҳолларда қайд этилади. Касаллик юқори иситма, титраб-қалтираш, юрак уришининг тезлашуви, баданга қонли тошмалар тошиши, қон аралаш қайт қилиш белгилари, ич кетиш билан намоён бўлиб, оғир ўтади.

Ўпка шакли бактериянинг юқори нафас йўли орқали ўпкага тушиши ҳисобига ривожланади ва худди зотилжамга хос клиник белгиларни эслатади, нисбатан оғир кечади. Агар беморлар ўз вақтида тиббиёт ходимларига мурожаат қилсалар ташхис аниқланиб, қўлланган даво чора-тадбирлари яхши самара беради. Бемор бутунлай соғайиб кетади.

Халқ ўртасида «Оғримаган ярадан қўрқ» деган нақл бор. Агар шундай яралар кузатилаётганда беморлар ўз вақтида тиббиёт ходимига учрашсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

■ **Илҳом ҚОСИМОВ,**
ТошПМИ юқумли касалликлар кафедраси мудири, профессор

БУ САФСАТА ЭМАС

ЯШИРИНИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ ЭДИ

Яқинда Англия телевидениеси янги фантастик фильмдан бир неча кадр намойиш этган эди. Бу фильмнинг рекламаси сухандоннинг қуйидаги гаплари билан тугарди: ўзга сайёраликлар кўплаб лашкарлари билан Ерга яқинлашмоқда.

Бу кадрни кўрган плимутлик Энн Гленнон тезда уч боласини уйқудан уйғотди. Сувдан тортиб қуруқ, ачимайдиган озиқ-овқатгача, гўштдан тортиб «противогаз»гача ертўлага ғамлашни буюрди ва шундай қилишди ҳам. Сўнг қўшни, қариндош-уруғларига қўнғироқ қилиб, уларга ҳам бу масалада маслаҳат берди. Шундан кейингина кўпчилик бўлиб, Эннга бор ҳақиқатни тушунтириб, бу фақат навбатдаги «боевик» фильми ҳақидаги реклама эканлигига зўрға ишонтиришди, дея хабар беради Англиянинг «Сан» газетаси.

АРИНИ ҚАМАБ БЎЛМАСА...

Калининград вилоятининг Черняховск шаҳрида яшовчи Н. исмли пенсионернинг ўлими юзасидан тезкор-тергов бригада тузилди. Аммо бу бригаданинг иши узоққа чўзилмади, тезда «жиноятчи» топилиб, иш якунланди. «Жиноятчи» эса озодликда қолдирилди.

Гап шундаки, 76 ёшли бу қария шаҳар чеккасидаги ўз томорқасида ўралашиб юрувди. Қараса, мевали дарахтига арилар ин қуриб олибди. Кампир «Ин солишга бошқа жой қуриб қолибдимиб?» деди-да дарахтни силкитиб, уяни бузиб юборди. Уя арилар билан бирга тўғри кампирнинг устига қулади ва қарияни чақа кетишди. Жон ҳолатдаги қичқириққа етиб келган қўшнилар кампирни хушсиз ҳолда кўришди. «Тез тиббий ёрдам» етиб келганда эса қариянинг жони узилган эди.

Шундай қилиб, тезкор-тергов бригада «жиноятчи»ни аниқлашга аниқлади-ю, аммо қамоққа ололмади.

■ **Манбалар асосида Наргиза ҲОШИМОВА тайёрлади**

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ



Равон, икки гирдида дарахтлар гуркираб ўсиб ётган йўлдан ўтиб борарканмиз, беихтиёр кўча номига кўзимиз тушди. «Қирғизбой».

Хўш, бу одам ким? Ён атрофдагилардан суриштирдик. Билсак, у киши шу жойларни обод қилганлардан экан.

Мустақиллигимиз шарофати билан жуда кўп жойлар, кўчалар Ватан, халқ, миллат учун жон фидо қилган инсонлар номи билан атала бошланди. Ана шундайлардан бири Қирғизбой отанинг номи Янгиобод даҳасидаги кўчага қўйилди. Шу кўчанинг 16-уйида яшаётган уруш ва меҳнат фахрийси Гулмат ота билан Қирғизбой ота ҳақида суҳбатлашдик.

— Қирғизбой ота билан 20 йил бирга ишладик. Ғайрати ичига сиғмайдиган инсон эди. Имони бутун , бир сўзли, айтганини қиладиган раис эди. У раҳбарлик қилган йиллари хўжаликнинг довруғи бутун республикага ёйилди. Битта колхоздан бирданига иккита звено бошлиғи Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

У раислик қилган хўжаликнинг бу ёғи Қўйлиқдан то Қибрай қўрғонигача туташиб кетган ерлар эди. Шу жойларга пахта ва сабзавот экинлари экиларди. Сабзавот билан бутун шаҳар аҳолисини таъминларди. У киши миришкор эди. Шунингдек, одамохунлиги ва сахийлиги туфайли эл оғзига тушган эди, — дейди Гулмат ота.

Бир-биридан шинам уйларга маҳлиё бўлиб, кўча четидаги мевали дарахтлар соясидан юриб, «Тарновбоши» маҳалласи гузарига чиқдик. Маҳалла оқсоқоли Кўчқор ака билан учрашиб гап орасида Қирғизбой ота ҳақида сўрадик.

— Ёдимдан чиқмайди, мактабдан бўш вақтларимда колхозга чиқиб ишлардим. Айниқса, ерга яхоб бериш ишларимга анча-мунча ҳақ ёзишган экан. Мактабни битириб, ўқишга киришим керак эди. Пул зарур. Колхоз ҳисобчиси 1800 сўм ҳаққим борлигини, бироқ пул йўқлиги сабабли шу тобда беролмаслигини билдирди. Шунда Қирғизбой отанинг олдига кирдим. У киши мени ўрнидан туриб қарши олди. Ҳол-аҳвол сўради. Ниятимни айтдим. Шунда у киши «Ўғлим, энди бундан буёнги замон илм ва ҳунар замони, илм олинг», деб оқ фотиҳа берди. Қўлимдаги қоғозга имзо чекиб: «Кассирга учрашинг» деди. Мени нохуш кутиб олган кассир колхознинг кассасида ҳеч вақо йўқ, деб менга ўшқирди. Сўнгра мени етаклаб Қирғизбой отанинг ёнига олиб кирди. Раис уни обдон эшитиб, йигитнинг шаштини қайтарманг, тўғрилаб, ҳаққини беринг, деди. Кассир ҳовуридан тушиб, ҳаққимни дўкондан олиб санаб берди. Шу мадад бўлди-ю, мен Тошкент педагогика институтига ўқишга кирдим.

Кўчқор Эрматов сўзини қўшни маҳалла оқсоқоли Қодирхўжа Йўлдошев давом эттирди.

— Қирғизбой Абдуваллиев раислик қилган йиллари иқтисодий танглик даври эди. Кишилар ҳали қорни тўйиб овқат емаган, ямоқ кийимларини ташламаган давр эди. Лекин Қирғизбой ота одамларни эртанги ёруғ кунлар келишига ишонтириб, уларни юртни обод қилиш, элни бадавлат қилиш йўлидаги орзуларини амалга оширишга йўл кўрсата олди. Хўжаликни илғорликка етаклади. Халқни уйли-жойли қилди. Аммо, ўзи умрининг охиригача гувала уйда яшади. Шундай камтар инсон эди. Бировни койиганини, ҳатто бировни «сен»лаганини эшитмаганман.

Суҳбатимиз қизигандан қизиб, Кўчқор ака маҳалланинг энг нуронийси, 102 ёшни қаршилаётган бир отахоннинг олдига олиб боришини айтди.

Бордик. Бир пиёла чой устида суҳбатимиз давом этди. Кўчқор ака кулиб: «Қори ака, бир масалани очиб берсангиз, шу атрофдаги маҳалла аҳлини нимага «Фарғона тўпи» деб юришади?» — деб қолди.

— Бунинг тарихи узун, — деди Абдулла қори ота. — Аслида биз фарғоналикмиз. Шунинг учун бизни Фарғона тўпи деб юритишади...» Ёзёвон билан туташиб кетган қишлоқданмиз. Авлод-аждодларимиз ўша жойда муқим яшашган... Бир кун эрта баҳор қишлоғимизга Йўлдош Охунбобоев келди. У ҳаммани чойхонага тўплади. Ҳозирги аҳвол тўғрисида, пахтачиликни яхшилаш ҳақида, энг муҳими миришкор, тадбиркор кишиларни қадрлаш хусусида гапириб, янги боғ-роғлар қилиш, пахтачиликни ривожлантириш ана шундай қадоқ қўлларга қараб турганлигини таъкидлади. Тошкент атрофларида, Қовунчининг катта майдонларида, Сирдарёнинг бўйларида қанчадан-қанча унумдор ерлар тўқайзорга, қамишзорга айланиб ётганини мисоллар билан гапирди. Ўтюракли, ғайратли, миришкор йигитлар борми, деб ўтирганларга қарата луқма ташлади. Одамлар орасида жонланиш бошланди. Биз ака-укалар биринчи бўлиб чўлқуварлар рўйхатига ёзилдик.

Худо ризқимизни шу ерларга сочиб қўйган экан. Қолаверса, тақдир, биз 25 та оила бўлиб 7 кун деганда «қизил вагон»да «Қовунчи»га кириб келдик. Кейинчалик бизни ҳўкиз қўшилган араваларга кўч-кўронимизни юклашиб олиб келишди. Бу жойлар ўша пайтларда тўқайзор бўлиб, ёввойи ҳайвонлар қамишлар орасида юришарди. Улардан ҳимояланиш учун одамлар ўзлари билан итларини эргаштиришиб, қўлларига таёқ ушлаб юришарди. Бу жойларни боғ-роғларга, экинзорларга айлантириш учун озмунча тер тўкмадик. Айниқса, Қирғизбойнинг меҳнати кўп синган бу ерларга. Ҳар бир қарич жойда унинг излари бор. Елкасига чопонини ташлаб пайкал кезгани кезган эди. Қаерда экин сувсираган, қайси жойдаги экинни зарпечак босди, ҳаммасига тезда тадбиру чора кўрарди. Қирғизбой ишни оддий кетмончиликдан бошлади. Тезда ундаги шижоат, қатъийлик, ҳалолпоклиги, атрофдагиларга қайишиши элга танитди. Бригадир қилиб тайинлашди, ҳосилот этиб кўтаришди. Тангри бандалари ичида ғайратлисини ёқтиради, дейилади ҳадисларда. Уни Қорасув туманидаги хўжаликка раис қилиб сайлашди. Раис бўлган йиллари пахта ҳосили 7 центнердан 20-25 центнерга кўтарилди. Полиз экинлари мўл бўлди. Омборлар донга тўлди, одамлар уйли-жойли бўлишди. Раҳматли оқибатли, элпарвар инсон эди. Эҳ, қанчадан-қанча урушдан кейинги ота-онасиз қолган болаларнинг пешонасини силамади, дейсиз. Қани энди шу кунларни ўз кўзи билан кўрсайди...

— Лекин, — деб сўзини давом эттирди у, — минг надоматлар бўлсинким, тун бўлмаса чироқ бўлмаганидек, унинг бошига ҳам қора кунларни ёғдирувчи ҳасадгўйлар топилди. Унинг устидан чақув бўлиб анча «сур-сур» бўлди. Одамлар Қирғизбой отанинг ёнини олишди. Лекин зулм ва зўрликка қурилган мустабид, шафқатсиз тузумнинг қонли қамчиси уни четлаб ўтмади, пайт пойлаб савалади.

Шуларни ўйларкан Абдулла қори ота бошини қуйи солганча хаёлга толди, лаблари пичирлаб ўзича Қирғизбой отанинг руҳига дуолар қилгандек бўлди.

— Бу фоний дунёда кишиларнинг одамларга қилган яхшилиги қоларкан, — гапида давом этди ота. — Кўкартирган боғу роғлари, қурган иморатлари, энг муҳими ақлли-хушли фарзандлари ундан ўчмас ёдгорлик бўлар экан. Қирғизбойдан ўздан кечиб ўзгаларни ўйлаб, ўзгаларнинг яхши кунларида шерик бўлишдек чин инсоний хислат, фазилат қолди. Оқила қизлару мард-танти ўғиллар қолди.

Абдулла қори ота хонадонидан чиқиб, Қирғизбой отанинг тўнғич ўғли — қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Аъзам ака билан отаси ҳақида суҳбатлашдик. У болалиги, сўлим Фарғонанинг Тошлоқ туманидаги қишлоғини кўп эслади. 1929-30 йиллардаги «Қаҳрамон» коллектив хўжалигига раис бўлиб сайланганини, яна қатор хўжаликларни ташкил қилиб, раис лавозимига сайланиб, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини гапириб берди.

Қирғизбой ота Абдуваллиевдек қалби дарё одам ҳақида эшитганларимиз ўчмас умрнинг бир варағидир, холос. Лекин унинг умр китоби ҳали қайта-қайта ўқилади.

■ **Турсун АЛИ,**
Неъматжон ҲАСАНОВ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN
MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «Ózbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon kochasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ózbekiston ovozi» materiallarini kóchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ВА БОШҚАРУВ КОМПАНИЯЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«DAVINCOM» инвестиция фирмаси томонидан акция пакетлари биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати

№	Ҳудуд	Тармоқ	Акциядорлик жамияти номи	Низом жамғармаси (сўм)	Номинал қиймати (сўм)	Жами акциялар сони (дона)	Савдога чиқарилаётган эркин сотув улуши (дона)	Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%)	Савдога қўйилаётган бир дона акциянинг сўмдаги баҳоси
1.	Наманган вил.	«Ўзмевасабзавот-холдинг»	Янгиқўрғон мева ва узумни қайта ишлаш	39850000	1000	39850	3692	9,26	3250,3*
2.	Сурхондарё вил.	«Ўзмевасабзавот-холдинг»	«Деноввино-арок»	22827500	500	46655	11414	25	1752,3*

Изоҳ:
***Акциянинг баҳоси сотувчининг қўшимча қарорлари билан ўзгартилиши мумкин.**
Қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 132-07-32, 133-22-73, 133-38-69.

БИЛАСИЗМИ?

ТЕЛЕФОНдан КИМ БИРИНЧИ ФОЙДАЛАНГАН?



Кундалик эҳтиёж — ҳар қандай масофадаги инсонни сиз билан суҳбатдош қила олувчи телефонсиз бугунги кунимизни тасаввур қила олмаймиз. Унинг тарихини биласизми?

— 1861 йилда телефоннинг кашф қилиниши Александр Граҳам Билга катта шараф келтирди. У бу аппаратини «Horses don't eat cucumber salad» («емиш емайдиган чопар от») деб номлади. Шуни таъкидлаш кераккки, дастлабки телефон модели орқали фақатгина маълум сигналлар асосида гаплашиш имконияти бўлган.

Лекин кашфиётчи олим ишини бу билан тўхтатиб қўймади. Энг яқин шогирди Томас Ватсон билан биргаликда кўп изланишлари натижасида гармонияли телефон асбобини тажрибада синаб кўрдилар. Синов ўтказилаётганда Бил ўтирган хонадаги батарея солинган қутидан ёнғин чиқади. Шунда Бил «Мистер Ватсон, тез кел, ёрдаминг керак» — дея бақиради. Бошқа хонада ўтирган Ватсон бу чақириқни ўзлари яратган асбоб орқали эшитади. Шу тариқа телефондан илк бор кашфиётчиларнинг ўзи фойдаланган эди. 1878 йилда Нъюҳавенда дастлабки телефон симлари тортилади. Тарихий тараққиёт босқичида бурилиш ясаган бу кашфиёт дастлаб бутун Европа ва Америка халқларида катта қизиқиш уйғотди.

■ **Юнус БЎРОНОВ**

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Маъруфжон Олимжонович КАРИМОВ номига берилган Д №772227 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

БИЛАҒОН НЕВАРА

Неварасидан бувиси сўради:

— Ўғлим Серикбой, катта бўлганингда бобонгга ўхшаб ўқитувчи бўласанми ёки дадангга ўхшаб шофёр бўласанми?

— Йўқ, қўшнимиз Ғолибшер акамларга ўхшаб сизга ва бобомга нафақа тарқатувчи почтачи бўламан.

— Нима учун?

— Чунки, сизга ва бобомга ҳар ойда нафақа пулларингизни олиб келиб бериб турсам, шунда нафақа пулларингиздан Ғолибшер акамларга эмас, менга бериб турадиган бўласизлар-да.

■ **Ашурбой РЎЗМЕТОВ**

Согласно решения Ташкентского областного хозяйственного суда № 353 от 30.05.01 г. Чирчикский АО «ПМК-93» объявляет о собрания кредиторов. Собрания состоится 20.06.01 по адресу г. Чирчик, ул Максудова, 1. в 11.00 часов

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси муҳаррир Олимжон Раҳимовга акаси
Шарифбой РАҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси Сурхондарё вилояти УЖФББ раиси
Чурчин Геннадий МИХАЛОВИЧнинг
бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.